БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 25 (4124)
31 ЯНВАРЬ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19 апрель—коммунистик шанбалик куни

Режалар аниқ

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг реле ва автоматика заводи силлиқловчиси Александра Дулкина москваликларнинг апрелнинг учинчи шанбасини меҳнат байрамига айлантириш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлашга бағишланган митингда сўзлаб шундай деди:

— Биз шу куни ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб шанбаликка чиқамиз ва юксак унумли меҳнат қилиб, топилган иш ҳақини беш йиллик фондига ўтказамиз.

Приборсозлар 19 апрель учун аниқ иш планини белгилашди. Фақат оралиқ электрореле-сининг ўзидан 23,9 минг сўмлик, талайгина реле электрошкафлар, герметик шкафлар, шунингдек, 10 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрланади.

Бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлмаган ходимлар корхона территориясини, унга тўташ бўлган майдонларни ободонлаштириш билан шуғулланишади. Комсомолларнинг катта гуруҳи тоғдаги «Орзу» пионер лагерида меҳнат қилади. Бу ерда бир талай ремонт ва қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Маҳсулотнинг анчагина қисми тежалган материаллар, электр ва иссиқлик энергияси билан ишлаб чиқарилади.

БУГУН:

завод ишлаб чиқариши бошлиғи Ю. Губарев раислигида шанбаликни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича штабнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ҳар бир ишчига шахсий тежамкорлик ҳисоби очиш таклиф этилди. Коммунистик шанбаликнинг бориши тўғрисида коллективни ўз вақтида огоҳ қилиб туриш учун алоқа воситасини ташкил этиш бўйича таклиф қараб чиқилди.

Тежалган материаллар ҳисобига

«Ташсантехгазмонтаж» трести 2-монтаж бошқармасининг Тўлқин Ҳасанов бошлиқ бригадаси аъзолари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган коммунистик шанбаликка фаол тараддуд кўришмоқда.

— Бригадамиз монтажчилари йил бошидан бери бинокорлик материалларини тежаб-тергаб сарфлашга алоҳида эътибор беришмоқда, — дейди бригадир Т. Ҳасанов.

— Меҳнат байрамида худди ўтган йиллагидек тежалган материаллар ҳисобига ишлашга қарор қилдик.

Бригада коллективи 19 апрель куни юксак унум билан меҳнат қилиб, қариб минг сўмлик монтаж ишларини амалга оширади.

ЛЕНИНЧА ЗАРБДОР ВАХТАДА

ДАСТЛАБКИ ЗАФАР

Шампан винолари заводи коллективи ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаб, соҳа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада бир неча марта совринли ўринларни қўлга киритганди. Коллективнинг бу йилги меҳнат суръати ҳам чакки эмас. Корхона цехларида январь ойининг дастлабки кунлариданоқ меҳнат жадал суръатлар билан давом этяпти, ҳар куни конвейердан 18—19 минг сўмлик маҳсулот тушириб олинаяпти.

Коллектив ой бошидан бери 590 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, январь ойи учун белгиланган топшириқни муддатидан аввал адо этди. Савдо тармоқларига қадар яна камида 30 минг сўмлик шампан винолари чиқарилади.

Корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш учун авж олаётган социалистик мусобақада В. Борзова бошлиқ биохимия цехи, Ш. Отабеков бошлиқ ўраш ва қадоқлаш цехи аъзоматлари намуна бўлишяпти. Бу бригадаларнинг аъзолари беш йиллик графигидан анча ўзиб меҳнат қилиб, маҳсулотнинг асосий қисмини аъло сифатда тайёрлашга муваффақ бўлишяпти.

Қурилиш майдонида

ПУДРАТ УСУЛИДА ИБРАТ КЎРСАТИБ

Тошкент метрополитени иккинчи участкаси қурилишида ҳал қилувчи бошланди. Тошкентлик метросозлар Революция ҳнёбонини М. Горький майдони билан боғлайдиган тўрт километрдан знёд масофадаги ер ости йўли қурилишини август ойида битказиб, фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Шу кунларда коллектив аъзолари бу мақсадга тезроқ етишиш мақсадида ишлаб чиқаришга илғор методларни дадиллик билан жорий этишмоқда.

Тошкент метро қуриш трести бинокорлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобининг пудрат усулида меҳнат қилишга алоҳида эътибор беришяпти. Коллективнинг Л. Токарчук, И. Лисий, Р. Люстер кабн ишлаб чиқариш пешқадамлари етаччилигидаги бригадаларнинг аъзолари злобинчасига ишлаб, юксак кўрсатгичларни қўлга киритишмоқда. Улар трест бинокорлари ўртасида В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига ўтказилаётган меҳнат беллашувида ғолиблик қилишаётир. Хўжалик ҳисобининг янги методи бўйича иш олиб бораётган қурувчилар ўнинчи беш йиллик планларини 1980 йилнинг 22 апрелига қадар уддалашга сўз беришган.

Халқлар дўстлиги майдони комплексига кирувчи объектларда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда адо этиляпти: Салкам ярим километр масофада барпо этилаётган транспорт туннели қурилишида меҳнат қилаётган 7-кўприк қуриш трести 13-кўприксозлик отряДининг қурувчилари графикдан ўзган ҳолда иш олиб боришяпти. Бригадалар ўртасидаги меҳнат беллашувида А. Маринич етаччилик қилаётган коллектив пешқадамлик қилмоқда.

— Бригадамиз аъзолари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига қадар беш йиллик план ва топшириқларини бажаришга қарор қилишган,— дейди бригада бошлиғи А. Маринич.— Шу кунларда бу эзгу ниятга эришиш учун иш вақтидан, машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланишга муваффақ бўляпмиз. Кунлик нормаларни 130—135 процентдан бажарляпмиз.

Бригада қурувчиларининг меҳнатсеварликлари туфайли объектда умумий қурилиш монтаж ишлари муддатидан илгари туғалланиб, пардозлаш бошлаб юборилди. Кўприксозлар бу ишнинг ўзи ўнинчи беш йиллик нормаларини 130—135 процентдан бажарляпмиз.

Фурқат кўчасида пионер ва ўқувчиларнинг муҳташам саройи қад кўтармоқда. Бу ерда айни кунларда 12-қурилиш трести 45-қурилиш бошқармасининг сайқалчилари жилокорлик ишларини ниҳоясига етказишмоқда.



СУРАТЛАРДА: объект қурилишида ибрат кўрсатиб ишлаётган мармарчилардан Николай Доннлов, бригада бошлиғи Сергей Коловский, Комил Олимжонов, Виктор Бриганов ва Николай Дегтяров: бинонинг умумий кўриниши.

Х. Суннатуллаев фотолари.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ ЯКДИЛ

Сайловчиларнинг Ш. Р. Рашидов билан учрашуви

РЕСПУБЛИКАМИЗ меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида янада юксак марраларни забт этишга киришдилар. Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловга тайёргарлик Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари меҳнатчиларининг ижодий куч-ғайратини, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқини кучайтириб юборди.

30 январь куни Андижон область Москва районидаги Охунбобоев номли колхозда Пахтаобод сайлов округи сайловчиларининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Йиғилишни Москва район партия комитетининг биринчи секретари Н. Турсунов очди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини якдиллик ва баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Москва районидаги Фрунзе номли колхоз бригадири Ў. Даданжонов Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолиятини таърифлаб берди, барча сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда район оналар ва болалар касалхонасининг врачи Л. И. Ушатова, колхозлараро коммунал хизмат комбинатининг ишчиси Ғ. Ғуломов, Ўрта Шаҳрихон қишлоқ Советининг раиси Т. Зойидбоева, 28-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Солибоев, меҳнат ветерани М. Садиров, Охунбобоев номли колхоз раиси А. Мирзаматов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов сўзга чиқдилар. Улар депутатликка номзоднинг Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, ҳақиқий интернационалист эканини тавсифлаб бердилар, совет кишиларининг меҳнатдаги буюк зафарлари тўғрисида, кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги ҳақида ифтихор билан гапирдилар. Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари Коммунистик партиясининг, ленинчи Марказий Комитетининг, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар, деб таъкидлашди нотиқлар. 24 февраль куни улар ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг энг яхши намояндалари учун овоз бериб, партия билан халқнинг бузилмас бирлигини яна бир карра намойиш этадилар.

Учрашув қатнашчилари округ меҳнатчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирадилар, тугалловчи йил топшириқларини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажарадилар, деб партия билан ҳукуматга астойдил ваъда бердилар.

Йиғилишда самимий кутиб олинган ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Аввало менга катта шараф билдириб, мени Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганлигингиз учун, деди у, сизларга ва сизлар орқали Пахтаобод сайлов округининг ташкилотлари ва коллективларига, барча сайловчиларига чин кўнгилдан, астойдил миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бу—бизнинг биринчи сайловолди учрашувимиз эмас. Мен ҳар галгидек бу гал ҳам сизларга сайловчиларнинг юксак ишончини оқлаш учун ҳамма ишни қиламан, деб зўр миннатдорчилик туйғуси билан ваъда бермоқчиман. Мен бу ишончни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно ички ва ташқи сиёсатини, Марказий Комитет ва унинг улуғ Ленин ишини муносиб давом эттираётган, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун отаётган курашчи, азиз Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси фаолиятини якдиллик билан маъқуллаш нфодаси деб, партия билан халқ мустаҳкам бирлигининг ёрқин далили деб биламан.

Округнинг сайлов участкаларида актив иш олиб борган агитаторларга ва ишончли вакилларга, бу ерда сўзга чиққан барча ўртоқларга меҳнинг шаънимга айтган самимий сўзлари учун сидқидилдан ташаккур изҳор этаман.

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг органларига сайлов ҳамиша ҳам катта сиёсий аҳамиятга молик воқеа сифатида баланд руҳ билан байрамона вазиятда ўтади. Бу галги сайлов кампанияси ҳам жуда муҳим воқеадир. Бу кампания бутун совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният улуғ Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини ва КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган даврда ўтмоқда.

Яхши анъанага кўра, ҳамма жойда сайловга тайёргарлик даврида Советларнинг ишларига якун ясалади, ҳал этилмаган масалалар тўғрисида, хўжалик ва маданий қурилишнинг янги вазифалари ҳақида амалий равишда батафсил гаплашиб олинади. Мен мамлакатимизда яхши сиёсий ва меҳнат муҳити ҳукм суриб турганлигини алоҳида мамнуният билан айтиб ўтмоқчиман. Совет кишилари эртанги кунга хотиржамлик ва қомил ишонч билан назар ташламоқдалар, ижодий ишлар ҳақида гапириб берадилар, саҳна асарларидан намуналар ижро этиб, мамнун этадилар. Бу учрашувлар катта дўстлик байрамига айланиб кетади.

«Қизил Ўзбекистон» колхозининг маданият саройида яқинда бўлиб ўтган ана шундай учрашув жуда қизиқарли бўлди. У ерга театр жамияти правлениеси ташаббуси билан Меҳнат Қизил байроқ орденли Ўзбек давлат филармонили, республикада хизмат кўрсатган «Бўҳор» халқ рақс ансамбли, Навоий номли катта академик опера ва балет театри. Муқимий номли музикали театр санъаткорлари меҳмон бўлиб раммани планли равишда ҳал этиш, совет халқининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берди.

Шу билан бирга Пленумда бир қанча министрликлар ва идораларнинг ишидаги катта-катта камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди. Леонид Ильич мана шу камчиликларнинг илдизлари ва сабабларини ленинча принципиаллик билан таҳлил этди, бу нуқсонларни тугатиш тўғрисида, экономикага рахбарликни такомиллаштириш, халқ хўжалиги барча тармоқларини янада жадал ривожлантиришни таъминлаш йўллари ва усуллари ҳақида конкрет йўл-йўриқлар берди.

Партия мамлакат меҳнаткашларига мурожаат этиб, 1980 йилни зарбдорларча ишлаш йилига, ленинча ишлаш йилига айлантиришга, шу тарика беш йиллики муваффақиятли якунлашга даъват қилди. Бу даъват совет кишиларининг қалбларида зўр акс-садо бўлиб янгради, уни барча меҳнат коллективлари қўллаб-қувватладилар.

Келгусида зўр ғайрат билан кўп иш қилишимиз лозим. Партия ва ҳукумат хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан қатъий чораларни кўрмоқдалар. Енгилги—хом ашё базасини, энергетикани, металлургияни, машинасозликни, химия саноатини ва саноатнинг бошқа тармоқларини янада жадал ривожлантириш белгиланди. Транспорт ишини имкони борича яхшилаш, капитал қурилиш суръатлари ва сифатини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик вазифалари қўйилди. Одамларни юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, кўплаб талаб қилинаётган буюмларнинг зарур турлари билан етарли равишда таъминлашдан иборат мураккаб ва муҳим масала ҳам ҳал қилиниши керак.

Ана шу вазифаларнинг ҳар бири КПССнинг халқ фаровонлигини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган йўлини амалга ошириш билан бевосита боғланган. Шу сабабли партия ҳар биримизни бу муҳим ишга ўз меҳнатимиз билан астойдил ҳисса қўшишга, ҳамиша ва ҳар ишда чинакам ленинча ишчанлик, омилкорлик ва масъулият, интизом ва уюшқоқлик кўрсатишга чақирмоқда. Барча Советлар, ҳамма партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари бу ҳақда алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ўртоқлар! Совет Социалистик Ўзбекистони ҳам бутун мамлакат билан бирга шаҳдам одим ташлаб олга бормоқда. Республиканинг ҳамма ютуқларида, барча муваффақиятларида бутун совет халқининг, ва аввало, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми, сўнгра республика Олий Советининг сессияси беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнидаги ишимизнинг якунларини ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги планларини кўриб чиқдилар.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон экономикаси кенг миқёс касб этиб, юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Республикада қудратли ишлаб чиқариш, энергетика ва илмий-техника тараққиёти учун кенг имкониятлар вужудга келтирилган. Шу имкониятлардан фойдаланиб, экономиканинг йил сайин жадал ўсиши таъминланмоқда. Бултур саноат маҳсулотининг ҳажми 1975 йилга нисбатан 20 процент кўпайди, шу жумладан машинасозлик ва металл ишлашда 42 процент, қора металлургияда 54 процент ва химия саноатида 32 процент ўсиш бўлди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш анча ошди ва буларнинг турлари кўпайди. Сайловчиларнинг аввалги сайловлардаги наказларида мана шунга жуда катта эътибор берилган эди.

Биз экономикани ривожлантиришнинг интенсив омилларини кучайтиришга, ишлаб чиқаришни бошқаришни, ихтисослаштириш ва концентрациялашни такомиллаштиришга, уни замонавий фан-техника асосида бошқаришга алоҳида аҳамият берямиз. Иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ҳамма имкониятларимиз ва резервларимизлан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланишга қатъиян амал қилинмоқда.

Планлар барча энг муҳим кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Ўтган йили ялпи ижтимоий маҳсулот қариб тўрт процент кўпайиб, 31,6 миллиард сўмликка етди. Миллий даромад муттасил ошмоқда. Миллий даромаднинг 75 проценти бош вазифани ҳал этишга, яъни меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга сарфланди. Сифат белгиси қўйилган маҳсулотлар миқдори кўпайди.

(Давоми иккинчи бетда).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан В. И. Ленин номли Нижний Тагил металлургия комбинатининг кислород-конвертер цехини реконструкция қилишда иштирок этган қурувчиларни, монтажчиларни, металлургларни, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, барча қатнашчиларни катта меҳнат ғалабаси— кислород-конвертер цехининг реконструкцияси муваффақиятли тугалланганлиги билан самимий табриклайди.

● Сайловчиларнинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе ва КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов билан учрашувлари ҳақида хабарлар босилган.

КОЛХОЗДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон театр жамияти правлениеси Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг коллективи билан яхши дўстлик алоқаларини ўрнатган. Икки коллективнинг ўзаро тузган ва тасдиқланган шартномасига биноан санъаткорлар дала меҳнаткашлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб, уларга ижодий ишлари ҳақида гапириб бердилар, саҳна асарларидан намуналар ижро этиб, мамнун этадилар. Бу учрашувлар катта дўстлик байрамига айланиб кетади.

Учрашувда колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Меҳриниса Убайдуллаева, Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов дала меҳнаткашлари ва санъаткорларининг олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб бердилар. Шундан кейин санъаткорлар маҳоратларини намойиш этишди.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

САЛЬВАДОР ХАЛҚИ КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Сальвадорда чет эл матбуотининг фикрича, гражданлар урушини келтириб чиқариши мумкин бўлган ғоят кескин аҳвол вужудга келди. Марказий Америкадаги шу кичик мамлакатда унинг пойтахти Сан-Сальвадорда сўл кучлар уюштирган оммавий тинчлик намойиши иштирокчиларидан қонли ўч олинганидан кейин ички сиёсий вазият ғоят кескинлашиб кетди. Ҳукмрон хунтадан аллакачонлар етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун ташкилий чоралар кўришни, халқ оммасининг муҳим талаб-эҳтиёжлари қондирилишини талаб этган намойишчиларга қарата қўшинлар ва полиция ўт очди. 300 дан зиёд киши ўлди ва ярадор бўлди.

Сальвадорнинг ҳозирги ҳукмрон хунтаси ўтган йил октябрь ойининг ўрталарида ҳокиятни қўлга олган эди. Бир гуруппа ҳарбийлар яшин тезлигида давлат тўнтариши қилгандан кейин Америка империализмининг малайи диктатор Ромеро ағдариб ташланди. Аммо бу тўнтариш Вашингтоннинг ўзи томонидан уюштирилганлиги кўпгина фактлар исбот этмоқда. Ўзининг америкалик хўжайинларига очиқдан-очиқ хизмат қилган Ромеро диктаторлик режимининг жиноий сиёсати мамлакатда империализмга қарши миллий-озодлик ҳаракатининг кенг кўламда кучайишига сабаб бўлди. Вашингтон Никарагуада бўлган ва маълумки, халқ демократик революциясининг ғалабаси билан тугалланган воқеанинг Сальвадорда ҳам такрорланишидан қўрқиб ўз қўғирчоғидан тезроқ халос бўлишга қарор қилди. АҚШнинг ҳукмрон доиралари шу найранг ёрдами билан халқ оммасини ва мамлакатнинг барча тараққийпарвар кучларини чалғитмоқчи, уларни озодлик кураши йўлидан четга бурмоқчи ва шу орқали Сальвадорда Америка монополияси ва у билан мустаҳкам боғланган маҳаллий реакцион олигархиянинг позициясини мустаҳкамлаб қолмоқчи бўлмоқдалар.

Дарвоқе, Сальвадорнинг янги раҳбарлари халқ фойдасига сариқ чақалик иш қилмадилар. Улар америкалик ва маҳаллий монополистларнинг манфаатларини даҳлсиз қилиб қолдирдилар. Экономиканинг энг муҳим тармоқлари илгаригидек ажнабий капитал ва биринчи навбатда Америка капитали қўлида. Барча ерларнинг 60 процента аҳолининг фақат 2 проценти ихтиёрида, катта кўпчиликни ташкил этган ерсиз деҳқон оилалари ҳамон қашшоқликда яшамоқда. Меҳнатга яроқли аҳолининг учдан бир қисми иш билан таъминланган эмас. Халқнинг ярмидан кўпи саводсиз. Мамлакатда империализм ва реакция ватанпарварларни қувғин қилиш учун тузган турли-туман фашист ва ярим фашист террорчи шайкалар ҳамон ҳукмронлик қилмоқда.

Лекин Сальвадор халқи душманларининг найранглари меҳнаткашларни чалғита ёки кўркита олмайди. Мамлакатда турли демократик кучлар ва ташкилотларнинг бирлиги мустаҳкамланмоқда. Улар Сальвадор Коммунистик партияси билан бирга империализм ва реакциянинг кирдикорларига қатъий зарба бериш ва мамлакатни Америка ҳукмронлигидан озод қилиш, чинакам демократик ўзгаришлар ва прогрессив ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун курашни тинмай давом эттиришга даъват этмоқдалар.

Н. ЧИГИРЬ,
ТАСС шарҳловчиси.

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ ЯКДИЛ

(Боши 1-бетда).

Капитал қурилишда беш миллиард сўмликдан кўпроқ асосий фондлар ишга туширилди ёки асосий фондлар бир йил ичида 12 процент кўпайди. Ҳозирги беш йилликда ҳаммаси бўлиб республикада 70 та йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхонаси қуриб битказилди, 372 минг гектар янги ер экинзорга айлантирилди. Ўтган йилнинг ўзидагина 5,6 миллион квадрат метр уй-жой, 159 минг ўринли мактаблар, 51 минг ўринли болалар боғчалари ва яслилари қурилди. Беш йиллик бошлангандан бери салкам 400 минг шинам квартира, юзлаб мактаблар, касалхоналар, клублар, магазинлар ва бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Мана шуларнинг ҳаммасида Ленин партиясининг меҳнат аҳли тўғрисидаги, унинг сиҳат-саломатлиги ва фаровонлиги ҳақидаги чинакам ғамхўрлиги ўз ифодасини топган.

Беш йилликнинг социал программаси ҳамма бўлганидек илдам бажарилмоқда. Бу — бизнинг энг муҳим иш принципимиз бўлиб қолган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар пландаги 11,4 процент ўрнига 12,8 процент кўпайди. Товар обороти ва маиший хизмат ҳажми ошди.

Дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга киришиб, кўпдан-кўп проблемаларни ҳал этишга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун пухта замин яратишга муваффақ бўлдилар. Аввало биз пахтачиликни муттасил ривожлантиришга эришдик. Ҳатто ўтган йилнинг бенизғоя қийин шароитларида ҳам республика пахтакорлари эл-юрт олдидаги ўз ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажардилар. 5 миллион 762 минг тонна рекорд пахта ҳосили териб олинди.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг ёрдами ва доимий ғамхўрлиги, республика қишлоқ хўжалигининг қудратли моддий-техника базаси вужудга келтирилганлиги, ажойиб пахтакорларимизнинг маҳорати, партия ва совет органларининг пухта ўйлаб қилган ҳаракатлари бу муваффақиятга эришишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Ҳосилдорлик соҳасида рекорд даражага эришилди — гектар бошига 31,3 центнер пахта олинди. Ҳосилнинг 62 проценти машинада терилди.

Пахтакорларнинг чинакам баҳодирона жасоратида республика ишчилари, инженер-техник ходимлари, олимлар, студентлари ва ўқувчиларининг қаҳрамонона меҳнат билан қўшган улушлари ҳам бор. Уларнинг қишлоққа аетойдил берган ёрдами сиёсий етуклик ва онглилик, партия ишига садоқат далилидир.

Фарғона водийсида, шу жумладан Андижон областида, айниқса, қийин шароит вужудга келди. Анди жонликлар, шунингдек, Москва районининг пахтакорлари ҳам пахта етиштириш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган планларни бажаришга муваффақ бўла олмадилар. Аммо улар юксак уюшқоқлик ва интизом намунасини кўрсатдилар, ҳар бир килограмм пахта учун курашдилар, бу курашни пировардига олиб бордилар ва Ўзбекистон пахтакорларининг меҳнатдаги катта галабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Республика дон хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Биринчи марта 453 минг тонна шоли ва бир миллион тоннадан кўпроқ маккажўхори ҳосили олинди. Ўзуман Ўзбекистон 2 миллион 742 минг тонна дон етиштирди. Биринчи бор 4,6 миллион тонна сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштирилди. Шу маҳсулотнинг бир миллион тоннага яқини иттифоқ фондига юборилди. Қорақўл тери, гўшт, сут ва тухум тайёрлаш анча кўпайди.

КПСС Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев республика деҳқонларининг қаҳрамонона меҳнатини юксак баҳоладилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон меҳнаткашларига сидқидилдан самимий табрикнома йўллади. Қишлоқ хўжалигидаги жуда катта ютуқлари учун 12 минг илғор ишчи, колхозчи, мутахассис, партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ходимлари СССР орден ва медаллари билан мукофотланади. Бу эса қишлоқ меҳнатчиларини янги жасоратларга руҳлантиради.

152-Пахтаобод округини ўз ичига олган Москва районининг меҳнаткашлари ҳам беш йилликка бутун республика билан бирга доимо катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Район саноати беш йилликнинг тўрт йили ва ўтган йилги асосий топшириқларини муваффақиятли бажарди. Қурувчилар ҳам суръатни жадаллаштирмоқдалар. Улар шу давр ичида кўпгина катта-катта ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни қуриб битказдилар. Қишлоқ хўжалигида пахта етиштиришдан ташқари ҳамма тармоқлар беш йиллик топшириқларига нисбатан анча олдинда ривожланиб бормоқда. Бу йил район пахтакорлари ўзларининг бир оз миқдордаги қарзларини узиш ва беш йилликни муносиб тугаллаш учун фидокорлик билан ишлашлари зарур.

Район меҳнаткашлари янги — 1980 йилни зарбдор иш билан бошладилар. Барча меҳнат коллективлари юксак социалистик мажбуриятлар олиб, шу мажбуриятларни бажариш учун сабот билан курашмоқдалар.

Илғорлар, янгиликни дадил излайдиган, ишда жонқуярлик қиладиган кишилар мусобақада ибрат кўрсатмоқдалар. Районда юзлаб ва минглаб ана шундай кишилар бор. Бу ерда 2-механизациялашган кўчма колоннанинг монтажчиси Абдумажид Аҳмедов, Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси Инобатхон Абдуллаева, Шаҳрихон қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаватор машинисти Еқубжон Марасулов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг механиги Сергей Сергеевич Пронин, пахта заводининг линтерчиси Кимсан Мадалимов, район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тикувчиси Саодатхон Мусаева ва бошқа кўпгина кишиларнинг номлари ҳаммага маълум. Улар ўзларининг шахсий беш йиллик планларини аллақачон бажариб бўлиб, келгуси беш йиллик ҳисобига ишлашмоқдалар. «Октябрь» колхозининг бригадири Гафуржон Режавалиев, Охунбобоев номли колхознинг бригадири Камолиддин Манатов, Киров номли колхоз бригадири Ҳусанбой Раиповлар қишлоқ хўжалигида зарбдор меҳнат қилиб, ҳатто бултурги қийин йилда ҳам гектар бошига 40 центнер ва ундан ҳам ошириб пахта ҳосили кўтардилар. «Правда» колхозининг сут соғувчиси Ҳамидахон Назирова эса ҳар бош сигирдан салкам 4000 килограмм сут соғиб олди. «Октябрь 60 йиллиги» колхозининг механизатори Маҳаммаджон Қурчиев 300 тонна пахта терди. Ана шундай илғорларга — ишлаб чиқариш новаторларига шон-шарафлар бўлсин!

Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида барча меҳнат коллективлари янги марраларга эришдилар. Бу жуда соз. Партия бизни дабдабазолик ва шовкин-суронга йўл қўймасликка, балки эришилган натижаларга ўз-ўзини танқид кўзи билан қараб, юксак талабчанлик позициясида туриб баҳо беришга ўргатади. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида ҳам шу нарса таъкидлаб ўтилди.

Беш йилликнинг тўрт йили ва бултурги ишимизнинг натижаларини мана шу позициялардан туриб таҳлил этадиган бўлсак, кўпгина корхона ва ташкилотларимиз, колхоз ва совхозларимиз анча юксак кўрсаткичларга эришдилар, янада самарали ва сифатли ишлай бошладилар.

Республикадаги бир талай корхоналар белгиланган топшириқларни энг муҳим кўрсаткичлар бўйича бажаришмаяпти. Капитал қурилишда объектлар ҳамон белгиланган муддатда битказилмаяпти, иш сифатининг пасайишига йўл қўйиляпти. Транспорт ва алоқа ишида камчиликлар бор. Уюшқоқсизлик, меҳнат интизомининг заифлиги, юксак пировард натижаларга эришиш билмаслик ана шу камчиликларнинг сабаби эканини турмуш кўрсатиб турибди.

Аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда ҳали ҳам қийинчиликлар бор. Иссиқ газлама, сарёғ, сабзавот, мева ишлаб чиқариш ва етиштириш тез кўпайиб бораётган бўлса ҳам, уларнинг сифати пастлиги ва баъзан етишмай қолаётганлиги тўғрисида шикоятлар тушмоқда. Пойафзал, кийим-кечак, бошқа кенг истеъмол моллари сифати пастлиги тўғрисида кўп таъналар айтилмоқда. Биз ана шундай камчиликларга муросасозлик билан қарай олмаймиз ва қарамаслигимиз керак. Мана шу ҳамма камчиликларни тугатиш республика партия ва совет органларининг, хўжалик раҳбарлари ва бутун жамоатчиликнинг биринчи даражали вазифасидир.

Беш йилликнинг тугалловчи йилида республика олдида мураккаб вазифалар турибди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 7 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни 5,9 процент кўпайтириш зарур. 5 миллиард 214 миллион сўмлик капитал иш бажарилиши керак. Маҳсулотни кўпайтиришнинг 80 процентини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ошиш белгиланган.

Асосий куч ва эътибор ёқилғи-энергетика комплекси, қора ва рангли металлургия, химия саноати, машинасозлик ва металл ишлаш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, транспортни ривожлантириш сингари энг асосий соҳаларга қаратилади. Аҳолининг кундалик эҳтиёжларини тўла-тўкис таъминлаш вазифаси тез сўръатлар билан ҳал этилади. Масалан, иш газлама ишлаб чиқариш 223 миллион квадрат метрга етказилади.

КПСС XXV съезди ишлаб чиққан узоқ муддатли социал программага мувофиқ 1980 йил планида халқ фаровонлигини янада ошириш кўзда тутилган. Аҳолининг пул даромадлари, ижтимоий истеъмол фондлари ортади, истеъмол моллари сотиш кўпаяди, маиший хизмат ҳажми кенгаяди. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан республикада 5 миллион 471 минг квадрат метр уй-жой қурилади.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириши таъминлаш — шу йилнинг энг муҳим вазифасидир. 5 миллион 800 минг тонна пахта етиштирилиб, териб олиниши керак.

Биз қиш фаслидаёқ келгуси ҳосилга замин яратишдик. Ҳозир бу иш давом этмоқда. Бу ишни қисқа муддатларда муваффақиятли ўтказиш ҳам мўл, ҳам эрта ҳосил олишнинг биринчи гаровидир. Ана шу сабабдан ҳам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1980 йил кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўриш ва бу ишларни ўтказишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» жуда зарур қарор қабул қилдилар. Бу қарорда партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг экинларни экиш учун дала ва уруғликни тайёрлаб қўйиш, техникани ремонтдан чиқариш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари вақтни бой бермай, мана шу қарорни бажариш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқиб, дарҳол рўёбга чиқаришга киришишлари жуда муҳимдир.

Бу йил республикада дон, шу жумладан, шоли ва маккажўхори, шунингдек, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари, узум етиштириш анча кўпаяди. Цитрус мевалар ва асал етиштириш ва аҳолига сотишни кескин кўпайтириш планлаштириб қўйилган.

Чорвачиликни жадал юксалтириш бизнинг олдимизда турган биринчи галдаги вазифадир. Сизларга маълумки, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети бултур шахсан Леонид Ильич Брежневнинг ташаббуси билан «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни жадал ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорда чорвачиликни саноат негизига кўчириш билан боғлиқ бўлган кўпдан-кўп масалалар ҳал этилган ва яқин йиллардаёқ фермаларнинг маҳсулотлари кескин кўпайтириш кўзда тутилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми шу қарорни бажариш ва чорвачиликни тубдан юксалтириш соҳасида конкрет тадбирлар белгилади.

Яқинда бўлиб ўтган XV пленумда Тошкент ва Қашқадарё область партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳисоб бердилар. Марказий Комитет Ғиждувон район партия комитетининг ҳисоботини ҳам тинглади. Бу район бир йилнинг ўзида гўшт етиштиришни қариб икки баравар, сут етиштиришни 12 процент ва тухум етиштиришни 30 процент кўпайтирган ҳамда келгуси беш йилликнинг охиригача гўшт етиштиришни 2,7, сут етиштиришни 1,6, тухум етиштиришни 1,8 баравар кўпайтириш режасини тузган.

Бу — республиканинг барча районлари учун ва жумладан, Москва области учун ҳам муносиб намуна бўла олади, ўртоқлар! Ғиждувонликларнинг йўли чорвачиликни юксалтиришнинг реал йўлидир. Агар ҳамма хўжаликлар ҳам шу тажрибани ўзлаштириб олсалар, биз аҳолини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни кескин яхшилай оламиз.

Ўйлайманки, янги сайланадиган Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари мана шу муҳим проблеманинг ҳал этилишини ўз назоратлари остига олиб, шу ҳаётий муҳим тармоқда сезиларли ижобий силжишларга эришсалар, — жуда тўғри бўлади.

Белгиланган режалар ҳаммамизга, республикадаги ҳар бир меҳнаткашга тааллуқлидир. Бу режалар пировард натижада халқнинг турмушини, меҳнатини, ўқишини, дам олишини ва сиҳат-саломатлигини яхшилашга хизмат қилади. Шу сабабли биз ҳаммамиз бу режаларнинг тўла-тўкис бажарилиши билангина кифояланиб қолмасдан, ошириб бажарилиши учун ҳам ўзимизни масъулиятли деб ҳисоблашимиз керак.

Бунинг учун кенг қулоч ёзган социалистик мусобақа катта имкониятлар очиб беради. Шонли воқеаларга бой бўлган бу йилда ана шундай имкониятлар айниқса кўп. Бу воқеаларнинг зўр илҳомбахш кучи бор. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари мусобақадошларнинг самарадорликни кескин оширишга ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга, ҳамма резервлардан фойдаланишга интилишларига ҳаракат қилишлари лозим.

Ҳар бир корхона, ҳар бир колхоз, совхоз, ҳар бир меҳнат коллективининг аниқ иш маромини таъминлаш учун идеология ишини, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини кучайтириш, илғор тажрибани кенг ёйиш, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқариш даражасини ошириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш зарур.

Шу муносабат билан барча бўғинларнинг раҳбарларига нисбатан янада қаттиқроқ талаблар қўйилади. Республикада қобилиятли ташкилотчилар, обрў-эътиборли, истеъдодли раҳбарлар кўп. Улар партиянинг олтин фондидир.

Аммо эскичасига ишлаётган ходимлар ҳам бор. Бир қанча корхоналар, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар қониқарсиз ишлаётганининг сабаби ҳам мана шунда. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми ҳаётдан орқада қолган раҳбар ходимларни қатъият билан алмаштиришни, коллективларда амалий, ишчанлик муҳитини таъминлашга қодир бўлган сергайрат, ижодий фикрловчи кишиларни, илм-фанга, илғор тажрибага таяна оладиган кишиларни дадил кўтариб қўйишни талаб қилди.

Округдаги барча сайловчилар каби, шу учрашувимизнинг қатнашчилари ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизоми мустаҳкамлаш ва кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисида» яқинда эълон қилинган қарори билан яхши танишиб чиққанлар. Бу — катта давлат аҳамиятига молик ҳужжатдир, ўртоқлар. Унда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришдаги иш вақтининг зое ўтишини тугатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтириш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишни анча яхшилаш — партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг, хўжалик раҳбарларининг жуда муҳим вазифаси эканлиги эўр куч билан таъкидлаб ўтилган. Бу ишни партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишдаги, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишдаги, одамларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялашдаги энг муҳим соҳаларнинг бири деб билмоқ керак.

Партия раҳбарлик услубини такомиллаштиришга ҳамиша жуда катта эътибор бериб келди ва ҳозир ҳам жуда катта эътибор бермоқда. Марказий Комитет, унинг замонамиз атоқли сиёсий ва давлат арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг кўп қирали фаолияти ленинча услубнинг, ўсиб бораётган вазифаларни ҳал этишга чиқкам илмий, ижодий ёндашишнинг ажойиб намунасидир. Бош вазифаларни белгилаб олиш, қўйилган мақсадларга эришишнинг энг самарали усул ва воситаларини танлаб олиш, бошланган ишни изчиллик билан пировардига етказиш маҳорати — мана шундай ёндашишнинг энг асосий белгиларидир. Биз ҳам мана шу белгиларни доимо ўрганишимиз лозим. Леонид Ильичнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларида энг мураккаб шароитлардаги раҳбарлик ишнинг ажойиб намунаси тасвирланган.

Биз барча партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари Советларининг ишини доимо такомиллаштира боришимиз керак. Ҳар бир киши ўзининг давлат ишларига даҳлдор эканини сезиши, ўзининг фикри, ўзининг таклифига қулоқ солинишига ва қарорларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинишига амин бўлиши лозим. Шунга эришиш керакки, ҳар бир киши жамиятдаги ўз ўрнини топиб олсин ва ўз меҳнатини бурч деб, ўз ҳаётининг асосий маъноси деб биладиган бўлсин ва ҳамма ишни виждонан қиладиган бўлсин.

Партия сансалорлик ва расмиятчиликка қарши янада муросасизлик билан қатъий кураш олиб боришни, одамларнинг эҳтиёжларига жуда синчиклаб қарашни талаб қилмоқда. Барча партия ташкилотларининг, ҳамма Советларнинг иш услуби фақат мана шундай бўлиши керак.

Ўртоқлар! Республика Олий Советига ва маҳаллий Советларга бу галги сайлов биринчи бор янги Конституция амал қилаётган шароитда ўтказилади. Бу Конституция социалистик демократия ривожидаги янги босқичнинг энг ёркин ва тўлиқ ифодаси бўлди. Янги Асосий Қонун совет кишиларининг ҳуқуқларини пухта равишда таъминлайди, уларнинг шон-шарафини ҳимоя қилади.

Ҳозир янги Конституция асосида совет қонунларини янгилаш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда. Советларга раҳбарлик қилиш, шунингдек қонунлар ижроси устидан контроллик ўрнатиш яхшиланди. Бизнинг Советларимиз халқнинг коллектив ҳокимиятини, унинг орзу-умидлари ва муддаоларини ифодалайди. Советлар составига аҳоли барча табақаларининг энг яхши намояндалари — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, барча миллатларнинг вакиллари кирадилар. Республика олий ва маҳаллий Советлари депутатлигига бу галги сайловда кўрсатилган 100 мингдан ортиқ номзоднинг салкам 70 проценти ишчилар билан колхозчилардан иборат. Советларда хотин-қизларнинг намояндалари кўп — депутатликка номзодларнинг ярмига яқини хотин-қизлардир. Ёшларимиз ҳамма сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланмоқдалар — Советлар составига кўрсатилган номзодларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ёшлардир. Советларда халқ хўжалиги барча тармоқларининг мутахассисларидан вакиллар бор.

Советларнинг мана шундай состави улар ишини амалий равишда ташкил этиш, аҳоли турмуши ва фаолиятининг ҳамма соҳаларига таъсир ўтказиш имконини беради. Янги Конституция асосида Советларнинг роли янада ошди.

Советлар саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштиришда, социал, маданий-маиший тармоқларни ривожлантиришда фаол қатнашмоқдалар, аҳолига хизмат қилишни ва ободончиликни яхшилаш учун корхоналарнинг маблағларини бирлаштирмоқдалар. Советлар уй-жой ва маданий-маиший қурилишда ягона буюртмачи ролини ўйнамоқдалар. Улар халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида, айниқса, кўп фойдали иш қилишлари мумкин ва шундай ишни қилмоқдалар.

Ўз территориясида табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, интизомни кучайтириш ва мансабдор кишиларнинг масъулиятини ошириш Советларнинг бевосита вазифасидир. Уларнинг аҳоли маънавий турмушига таъсири катта. Советлар қарамоғида юзлаб маданият, халқ маорифи муассасалари, кутубхоналар, спорт ташкилотлари ва гражданларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар бор. Ҳар бир Совет бу вазифаларни имкони борича яхшироқ ижро этишига эришмоқ керак.

Москва области бунга мисол бўла олади. Бу ердаги ҳар бир посёлкада, колхоз ва совхозда янги қурилишлар — ҳам ишлаб чиқариш, ҳам уй-жой, ҳам маданий-маиший қурилишлар кўп. Мана шуларнинг ҳаммасида шаҳар, район ва қишлоқ Советларининг роли катта эканлиги шубҳасиз. Аммо бу соҳадаги ҳамма иш ҳам яхши бажарилятимми? Ошкора айтадиган бўлсак, яхши бажарилмаяпти. Теварак-атроф ҳали ҳам путури кетган, кўримсиз иморатлар бор. Улар одамларнинг турмушини асло безатмайди. Биз хутор системасидан тезроқ қутулишимиз керак. Кўркам, мустаҳкам, қулай ва ўзоқни ўйлаб қуриш керак, ўртоқлар, аҳолининг турмуш маданиятини янада зўр қатъият билан ошириш зарур.

Совет — ўз территорилисидаги олий ҳокимият органи, шаҳар ёки посёлканинг ҳақиқий раҳбаридир. Шу боисдан ҳам у яхши, меҳрибон хўжайин бўлиши лозим.

Агар Советларнинг янги составлари, уларнинг депутатлари сайлов ўтиши билан ноқ ўз фаолиятининг демократик принципларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бersалар, жуда соз бўлур эди. Сайловчилар ҳузурида ҳисоб бериб туриш, ишдаги ошкоралик, доимий комиссияларнинг кенг миқёсдаги фаолияти, жамоат ишларини бошқаришга имкони борича кўпроқ меҳнаткашларни жалб қилиш — мана шуларга жуда катта эътибор берилиши керак.

Ҳозир ингилишларда экономика ва маданиятни юксалтириш проблемалари кенг миқёсда муҳокама қилинмоқда, депутатларга наказлар берилмоқда, турли таклифлар киритилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиш, ҳар бир наказнинг бажарилишини контроль қилиб туриш, сайловчиларнинг ҳамма қимматли таклифларини сўзсиз бажариш лозим.

Ўртоқлар! Биз улуғ айём — Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида турибмиз. Чинакам халқ йўлбошчиси, оташин революционер, илмий тафаккур даҳоси, Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлат асосчиси бўлган бу улуғ зот қалбимизда, фикри-зикримизда, курашимиз ва ишимизда ҳамиша яшаб келмоқда ва яшайверади. В. И. Ленининг номи ва иши Ер курраси даги барча тараққийпарвар кишиларга азиздир.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорида Ленининг иши нақадар кенг кўламда кулоч отиб, кенгайиб бораётганлиги, унинг улуғвор режалари ҳақиқатга айланаётганлиги зўр ишонч билан кўрсатиб берилган.

Ер юзидаги миллион-миллион кишилар учун Ленининг номи дунёни социал жиҳатдан янгилаш рамзидир. Ҳозир Европа, Осиё, Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатлари узра Ленин байроғи қилпираб турибди. Халқаро коммунистик ҳаракат жуда улкан таъсирли кучга айланди. Душманлар нақадар қутуриб хуруж қилмасинлар, бизнинг мамлакатимизга ва унинг мақсадларига, қардош социалистик мамлакатларга қанчалик туҳмат ёғдирмасинлар, биз ленинча тинчлик ва демократия принципларида, коммунизм қуриш принципларида қаттиқ туриб келдик ва турамиз. Совет Иттифоқи социализм мамлакатлари билан, барча тараққийпарвар кучлар билан биргаликда кескинликни юмшатиш учун, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш учун саботматонат билан курашмоқда.

КПССнинг ташқи сиёсат йўли СССРда коммунизм қуриш учун қулай халқаро шароитларни таъминлаб беришга, жаҳон социализми позицияларини мустаҳкамлашга, халқларнинг миллий озодлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашга, агрессив урушларнинг олдини олишга ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини изчиллик билан амалга оширишга қаратилган.

Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат йўли барча халқларнинг, дунёдаги ҳамма меҳнаткашларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади, шунинг учун ҳам улар бу сиёсатни тўла-тўкис тушуниб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Бироқ империалистик кучлар ва аввало АҚШнинг муайян доиралари Совет Иттифоқининг қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш соҳасида реал тадбирларни амалга оширишга қаратилган ҳаммага маълум тинчликсеварлик таклифларини назар писанд қилмай, СССРнинг ташқи сиёсатини нотўғри талқин этишга уринмоқдалар, қуролланиш пойгасини зўр бериб кучайтирмоқдалар, бошқа халқларнинг ишларига аралашмоқдалар, кучлар нисбатини ўз фойдаларига ўзгартириб олишга, ҳарбий устунликка эришишга уринмоқдалар.

Империализм агрессив кучларининг авантюристик сиёсати, уларнинг милитаристик ҳаракатлари туфайли кейинги вақтларда халқаро вазият анча кескин тус олди.

Леонид Ильич Брежнев «Правда» мухбирининг саволларига қайтарган жавобларида Совет Иттифоқининг халқаро ишлардаги позициясини аниқ ва принципиал таърифлаб берди, тинчлик ва кескинликни юмшатиш душманларининг кирдикорларини ошкорлаш тарзда фош қилиб ташлади.

«Бизнинг халқимиз, мамлакатимиз, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — ўнинчи беш йиллик топшириқларни, партия режаларини бажара бориб, коммунистик қурилиш йўлидан шаҳдам одим ташлямоқда. Ленинча ташқи сиёсат йўли мустаҳкамлигича совет кишиларининг, чет эллардаги дўстларимизнинг ишончлари комил бўлаверсин. Бу сиёсат КПСС съездларининг қарорларида белгиланган бўлиб, ташқи сиёсат соҳасидаги бутун фаолиятимизда рўёбга чиқарилмоқда. Бу йил изчил тинчликсеварликни агрессияга қаттиқ зарба бериш билан бирга қўшиб олиб боришга қаратилган йўлдир. Бу сиёсат ўтган неча ўн йиллар давомида ўзини оқлади, биз келгусида ҳам шу йўлдан боравoрамиз. Ҳеч ким бизни бу йўлдан тойдира олмайди».

Ҳурматли ўртоқлар! Ленин байроғига садоқатли, КПСС ва унинг Марказий Комитети теварагида маҳкам бирлашган совет кишилари янги, 1980 йилга — ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилига, Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллиги, КПСС XXVI съездига актив тайёргарлик йилига дадил одим ташладилар. Бу йил меҳнатда, ҳамма улуғ ишлар ва зафарларда яна бир бахтли, тинч ва энг муваффақиятли йил бўлиши шубҳасиздир!

Москва районининг меҳнаткашлари бутун республиканинг меҳнат аҳли билан биргаликда совет халқининг фидокорона меҳнатига муносиб ҳисса қўшадилар, партия режаларини бажариш учун сарфлаётган кучғайратларини янада кўпайтирадилар ва бу йил КПСС XXV съезди қарорларини бажаришда янги катта муваффақиятларга эришадилар, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

Сизларга, республика Олий Совети депутатлигига менинг номзодимни кўрсатган 152-Пахтаобод сайлов округининг меҳнаткашларига яна бир бор чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этишга ижозат этгайсизлар. Халқ вакили бўлишдек юксак ишончни шараф билан оқлайман, бутун куч-қувватимни шонли ленинчи партиямиз ишига бағишлайман, деб сизларга ваъда бераман.

Сизларга меҳнатда муваффақият, ҳаётингизда бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик тилайман!

БРИГАДА АҲДИ

«Таштрансспецстрой» трестига қарашли «Термоизоляция» бошқармасининг В. Абдулин бошчилик қилаётган елимловчилар бригадаси илғор коллектив ҳисобланади. Ўзаро ҳамжиҳат ишчилар ойлик планларини доимо 120 — 130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Коллектив доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача яна 21,5 минг сўмликдан ортиқ ёки 4,5 минг квадрат метрлик елимлаш ишларини бажаришга аҳд қилди.

Ш. МУТАХАРОВ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилаяпти. Корхона ишчилари ўртасида вақтдан ўзиб ишлаётганлар сони ой сайин ортиб бораяпти. Бу ерда беш йилликни муддатидан илгари адо этган ва келгуси йил ҳисобига меҳнат қилаётган кишиларни кўплаб учратиш мумкин.

СУРАТДА: бирлашманинг пешқадам ишчиси Румия Шарафутдинованинг кўриб турибсиз. У мунтазам равишда смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Р. Загратдинов фотоси.

Медицина хизматини такомиллаштирайлик

Шаҳар соғлиқни сақлаш хизмати йил сайин кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Йирик кўппрофилли ва ихтисослаштирилган касалхоналар, поликлиникалар, диспансерлар, дорихоналар қурилмоқда. Фақат 1979 йилнинг ўзида ТошМИда болалар стационари, Юнусобод массивида кўппрофилли болалар касалхонаси, тўртта янги дорихона очилди. Ихисослаштирилган медицина хизмати тобора ривожланиб бормоқда. Ўтган йили 1-шаҳар клиник касалхонаси ҳузурида ихтисослаштирилган эндокринология, гастроэнтерология ва пульмонология бўлимлари, 15 ва 17-клиник касалхоналарда кардиология бўлимлари очилди, 12 кардиология кабинети қайтадан ўз эшикларини очди, «тез медицина ёрдами»нинг тўртта кардиология бригадаси ташкил этилди. Миокард инфаркти билан оғриган беморларни даволашни ниҳоясига етказишга эътибор кучайтирилди. Соғлиқни сақлаш органлари бундай беморларни ихтисослаштирилган санаторийларга йўллаш имконига эга бўлдилар. Соғлиқни сақлаш тажрибасига диагностика ва даволашнинг янги методлари тобора кенг жорий этилмоқда. Шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари активи йиғилишида ана шу ҳақда атрофлича гап юритилди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов кириш сўзи билан очди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи К. М. Қаҳҳорбеков соғлиқни сақлаш муассасалари ва шаҳар дорихоналар бошқармасининг 1979 йилги иш якунлари ва КПСС Марказий Комитети ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларидан келиб чиқувчи вазифалари тўғрисида доклад қилди. У партия ва ҳукуматимиз белгилаган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан ҳар бир медицина ходими халқ олдидаги ўз масъулиятини нақадар ҳис этишига боғлиқ, деб таъкидлади. Уларга энг қимматбаҳо бойлик — халқ соғлиғи ишониб топширилган. Бу ўринда меҳнат, сиёсий ва ахлоқий тарбиялашнинг ўзига хос мактаби бўлган меҳнат коллективларининг роли ошиб боради. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси медицина санитария қисми, 1, 2, 15-шаҳар касалхоналари, Марказий тез ёрдам клиник касалхонаси, 1-стоматология поликлиникаси, 28-поликлиника, 1-болалар поликлиникаси, 6-туғруқхона ва бошқа муассасаларнинг коллективлари аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш, иш усули ва методларини такомиллаштириш билан изчил шуғулланмоқдалар. Шу билан бирга, деб таъкидладилар докладчи ва активда сўзга чиққан Узбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари И. Савельева, 1-шаҳар касалхонасининг бош врачи К. Ризаев, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цех врачи З. Г. Безродная, СамПИ ректори В. Мажидов ва бошқалар, ютуқлар, мавжуд камчиликларга янада танқидий назар билан ёндошишга, уларни оперативлик билан тузатишга даъват этади. Афсуски, айрим поликлиникаларда хизмат кўрсатиш савияси шу куннинг талаблари даражасида эмас. Бу меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Улар айрим медицина ходимларининг қўполлигига, эътиборсизлигига, ўз профессионал бурчларини бажаришга юзаки ёндошаётганликларига шикоят қилмоқдалар. Бунга ташкилий ва тарбиявий ишларнинг паст савияда эканлиги, айрим медицина ходимларининг эътиборсизлиги, ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараётганликлари сабаб бўлмоқда. Беморларнинг уйига бориб медицина ёрдами кўрсатиш, айниқса тор мутахассисликдаги врачларнинг хизмат к

Алишер Навоий номли Узбекистон Давлат кутубхонасининг кўргазмалар залида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган виставка очилди. Унда ССР халқларининг турли тилларида нашр этилган В. И. Ленининг асарлари, доҳий ҳақидаги плакатлар, альбом-лар ва китоблар намойиш этилмоқда. СУРАТДА: виставка залида.

И. Глауберзон фотоси.

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан

БУЮК ИНСОНЛАР ДЎСТЛИГИ

Максим Горький дунёқарашининг шаклланиши ва ижодий фаолиятида пролетариатнинг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленининг маълум таъсири бўлган. Улуғ адиб ижодий фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ, гарчи ҳали В. И. Ленин билан учрашмаган бўлсада, унинг мақолалари билан таниш бўлган, бу ҳол адиб асарларида революцион руҳнинг пайдо бўлиши ва кун сайин кучайишида муҳим роль ўйнаган.

Н. К. Крупская, М. Ульянова, М. Андреева, А. В. Луначарский, Н. Накоряков, М. Гляссер, Е. П. Пешкова ва бошқаларнинг икки улуғ инсон, уларнинг учрашувлари ва дўстлиги ҳақида ҳикоя қилувчи хотиралари ғоят қимматлидир.

В. И. Ленин ва Горький илк марта 1905 йилнинг кузида Петербургда учрашдилар. Бу учрашув инқилоб доҳийсида ҳам, улуғ адибда ҳам унутилмас таассурот қолдиради, улар ўртасида дўстликнинг мустаҳкамланишида катта аҳамият касб этади. Ленин билан Горькийнинг иккинчи учрашуви 1906 йилнинг февралида Финляндиянинг Гельсингфорс шаҳрида рўй берган.

М. Горький Россия социал-демократик ишчилар партиясининг Лондондаги V съездида маслаҳат овози билан қатнашади, съезд ишида қатнашиш учун келган ишчи делегатлар, революционерлар билан танишади. Съезд давомида Ленин ва Горький ҳар куни учрашар, қизғин суҳбатлашардилар. Бу суҳбатлар уларни бир-бирига янада яқинлаштирди, самимий дўстлашувга олиб келди, баъзи сиёсий масалаларни баҳолашда иккиланаётган М. Горькийнинг тўғри, большевистик йўлга ўтиб олишига ёрдам берди. Ленин Горькийнинг яқиндагина пайдо бўлган «Она» романига юқори баҳо бериб, «Айни вақтда ёзилган китоб» деб таърифлайди. М. Горький доҳий билан учрашуви, унинг роман ҳақидаги мулоҳазаларини «В. И. Ленин» очеркида қуйидагича тасвирлайди: «Мен китобни шошилиб ёзганимни айтдим, лекин — нима учун шошилиб ёзганимни айтмасимданоқ, — Ленин маъқуллаб бош қимирлатиб нима учун шошилганимни ўзи айтиб берди: шошилганингиз жуда яхши бўлибди, бу—жуда зарур китоб, кўп ишчилар революцион ҳаракатда онгсиз суратда, стихияли равишда қатнашиб келаётган эдилар, энди эса «Она»ни ўқиш улар учун фойдали бўлади. «Айни вақтда ёзилган китоб». Бу унинг бирдан-бир, лекин мен учун жуда ҳам қимматли мақтови эди.

В. И. Ленин М. Горькийни ёзувчи сифатида, пролетар адабиётининг йирик намояндаси сифатида севар ва жуда қадрлар эди. Н. К. Крупскаянинг хотирлашича, В. И. Ленин ёзувчининг «Она» романини, «Тубанликда», Лочин ва Бўрон қуши ҳақидаги қўшиқларини, «Йигирма олти ва бир» асарини, мешчанлик тўғрисидаги мақолаларини, айниқса, яхши кўрар эди, ўз ҳаётининг сўнгги кунларида М. Горькийнинг «Менинг дорилфунунларим» асарини ўқитиб эшитган эди. В. И. Ленин революциядан олдин ҳам, янги социалистик тузум шароитида ҳам Горькийга, унинг ижодига зўр эътибор билан қарайди, унга шароит яратишга, ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қилади. Аммо у ёзувчининг хатоларини ҳам эътибордан четда қолдирмас, кескин фош этувчи ҳатлари билан йўл қўйилган хатоларини тушунтирар, бу кескинликда ҳам алоҳида мулойимлик ва ҳурмат сезиларди.

1909 йилда Европадаги буржуа матбуоти Горький социал-демократлар партиясидан чиқарилди, деган ғиғвони таркатди. В. И. Ленин «Горькийнинг чиқарилганлиги тўғрисида буржуа матбуотидаги эртаклар» мақоласида ғийбатчиликнинг моҳиятини очиб ташлайди. Горькийнинг мамлакат ва жаҳон ишчилар синфи олдидаги хизматини кўрсатади. «Буржуа партиялари Горькийнинг социал-демократлар партиясидан чиқишини хоҳлашади. Буржуа газеталари социал-демократлар партияси ичида ихтилоф чиқартириш ва бу ихтилофларни жуда ҳам бузиб кўрсатиш учун жонжаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар.

Буржуа газеталарининг бу ҳаракатлари беҳуда ҳаракатлардир. Ўртоқ Горький ўзининг буюк адабий асарлари билан ўзини Россиядаги ва бутун дунёдаги ишчилар ҳаракати билан жуда ҳам мустаҳкам боғланганки, у ҳалигиларга фақат нафрат билан жавоб беради, холос».

Доҳий бошқа яна бир мақоласида ҳам Горький ижодининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди: «Шубҳа йўкки, Горький — ғоят катта бадиий талант эгасидир, у бутун дунёдаги пролетар ҳаракатига жуда кўп фойда келтирди ва бундан кейин ҳам келтиради».

М. Горький биринчи рус революцияси инқирозга учрагандан кейин буржуа зиёлилари ўртасида пайдо бўлиб, «Худо ясовчилар» номи билан аталган диний-фалсафий оқим таъсирига берилади. Адибнинг 1908 йилда яратилган «Тавба» повести ва қатор ҳикояларида бу салбий таъсир кўринади. В. И. Ленин Горькийнинг бу хатосини — марксизм позициясидан чекинишини қаттиқ танқид қилади: «Сизда худо тўғрисидаги, илоҳий нарса ва бу билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса тўғрисидаги масалада зиддият бор—менимча Каприда Сизнинг билан кейинги кўришган вақтимдаги суҳбатда мен Сизга бу зиддиятни кўрсатиб берган эдим. Сиз «пеперёдчиликнинг ғоявий асосларини билмай туриб, «пеперёдчилар» билан алоқани уздингиз (ёки узгандай бўлдингиз), деган эдим.

Ҳозир ҳам шундай. Сиз «хафа бўлибсиз», Сиз «вақтинча» деган сўзнинг қандай қилиб ўтиб кетганлигини била олмайман», деб ёзибсиз, — ва шу билан бир вақтда Сиз худо ва худо ясаш идеясини ҳимоя қилмоқдасиз», деб ёзади В. И. Ленин шу даврда ёзувчига йўллаган хатларидан бирида. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, В. И. Ленин Горькийнинг ишчилар синфининг янги санъатидаги улкан ролини заррача камситмайди.

Владимир Ильич Горький аҳволи билан доимо қизиқар, адиб соғлиғининг ёмонлашаётгани уни ташвишлантирар, ғоят банд бўлишига қарамасдан ёзувчининг яшаш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатар, энг яхши врачларда даволанишни маслаҳат берар, кечалари ишламасликни таъкидлар эди. Бу жиҳатдан В. И. Ленининг 1913 йилда ёзган хати характерли бўлиб, бу хат пролетар адибига муҳаббат ва ғамхўрлик билан тўла: «Бу қанақа гап, отахон, юриш-туришингиз ёмон-ку? Кўп ишлаб, чарчаб қолибсиз, асабий касалга мубтало бўлибсиз. Бу бутунлай интизомсизлик-ку. Каприда, яна қиш куни, афтидан, «келиб кетувчилар» ҳам кам бўлган бир вақтда, турмушни тўғри йўлга солиб олиш керак эди. Қаровчи йўқлигидан Сиз бошвоғингизни шундай қўйиб юбордингизми? Ҳудо ҳақи, яхши эмас. Ўзингизни қўлга олинг ва чиндан ҳам, қаттиқроқ «интизом» (режим) ўрнатинг! Ҳозирги вақтларда касал бўлиш асло мумкин эмас. Ё кечалари ишлай бошладингизми? Мен Каприда бўлганимда менга, интизомни буздингиз, Сиз келгунча ўз вақтида ётар эдим, деб айтган эдингиз. Дам олиш керак ва, албатта интизом ўрнатиш керак».

В. И. Ленининг ҳар бир хати, у билан ҳар бир учрашув М. Горькийда чуқур таассурот қолдирар, ишчилар синфи, пролетар санъати билан янада чамбарчас боғланишга кўмаклашарди.

М. Горький Ленинни беҳад ҳурмат қилар, чексиз севар, ақлининг тиниқлиги, фикр уфқининг кенглиги, ирода қудрати, ҳар қандай киши билан бемалол гаплаша олиш қобилиятига, донишмандлиги ва башорат қила олиш талантига қойил қолар эди. В. И. Ленининг М. Горький даволанаётган Капри оролига иккинчи марта бориши, революция, янги тузум, санъат, адабиёт ҳақидаги фикр олишувлар, балиқ овлари пайтидаги илиқ суҳбатлар адиб хотирасида бутун умрга ўчмас из қолдирди.

Октябрь инқилобидан кейин М. Горькийнинг адабий кучларни уюштириш, уларни пролетар санъатини юксалтиришга сафарбар этиш соҳасидаги фаолияти айниқса кучаяди. М. Горький пролетар зиёлиларини бирлаштиришда магнитлик ролини ўйнади, уларни социалистик тузум манфаати йўлида ғайрат кўрсатиш ишига жалб этишда байроқдор бўлди. Владимир Ильич М. Горькийнинг бу соҳадаги ҳамма ишларини, айниқса, нашриётлар ташкил этиш, турли серияларда китоблар чиқариш соҳасидаги жонбозлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Ёзувчи «Олимлар турмушини яхшилаш марказий комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган вақтида доҳий унинг ҳар бир талаби ва таклифини қондиришга имкони борича ҳаракат қиларди, ҳукумат аппаратидаги ходимлардан унинг илтимосларини ижобий ҳал қилишни талаб этарди. М. Горький ўзига кўрсатилаётган меҳрибонлик ва ҳурматни сезар, буни юксак қадрлар, мамлакатга ички ва ташқи душманлар ҳужуми давом этиб турган очлик ҳукм сураётган бир даврда адабиёт ва санъат аҳлларига кўрсатилаётган эътибордан ғоят таъсирланар, доҳийга муҳаббати яна ҳам ортар эди. Бу муҳаббат доҳий вафотидан кейин яратилган «В. И. Ленин» очеркининг бутун руҳига сингиб кетган. Унда «ҳақиқатдек содда» жаҳон пролетариатининг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленининг ўлмас сиймоси ғоят зўр маҳорат билан чизилган. М. Горький халқ оммасининг янги типдаги раҳбари, гениал тафаккур соҳиби, дунёни икки қисмга бўлиб юборишга қодир бўлган буюк куч эгаси улуғ доҳий, кишиларга хос барча энг яхши хислатларни ўзида мужассамлаштирган гигант инсон образини яратишдек мураккаб вазифанинг уддасидан чиқди.

Адибнинг ютуғи В. И. Ленининг кўпқиррали образини яратта олганлиги, доҳийга хос чуқур инсонийлик, кишиларга ғамхўрликни кўрсата олганлигидир.

В. И. Ленин ва М. Горький дўстлиги икки буюк инсоннинг, революция ва адабиёт доҳийларининг дўстлиги эди.

Р. ИНОҒОМОВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ доценти.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

ОДАМЛАР ОРАСИДА ЯШАЯПМИЗ

Шундай қилиб Гулига совчи келадиган бўлди. У анча пайтгача Анварнинг таклифини рад этиб юрди. Лекин қайси кунги суҳбатда Анвар қаттиқ туриб олди. Унинг гапи ҳам тўғри. Анвар инженер бўлганига икки йилдан ошди. Гули ҳам бу йил институтни битирди.

— Ўзингиз тушунасиз,— деди Анвар вазминлик билан,— уйдагилар қўйишмаяпти. Кексаларнинг ниятини биласиз-ку. Орзу-ҳавас кўргиси келади.

Ҳар гал бир нарсани баҳона қилиб келган Гули энди индолмай қолди. Чиндан ҳам икковлари бир-бирларини яхши кўришганидан кейин, юлдузи юлдузига тўғри бўлгандан кейин эзгу ишни бунчалик пайсалга солиш ҳам яхши эмас. Анвар ақлли йигит. Ойласи ҳам яхши, дейишади. Шундай-ку, лекин Гулини минг хил андишага боришга мажбур қилиб юрган сабаб бор. Бир қарашда бу сабабни жиддий деб ҳам бўлмайди. Лекин барибир Гулининг кўнгли ғаш. Шундай бўлса-да у Анварнинг совчи юбораман деганига бу сафар қаршилик қилмади. Аввалларги бегона жойдан совчи келса, унинг ғаши келар эди. Бу гал ойисига «меҳмонлар келишини» нозик қилиб тушунтирди.

Мастура ая эрталабдан ҳовлиларни йиғиштирди, дастурхон тузаб тайёргарлик кўриб турди. Гули ишига кетар экан, кўнглида маҳзун ҳаяжон бор эди. Қосим ака хотинининг бунчалик тараддудига кўп ҳам эътибор бермади. У отпускага чиққанидан буён босим ичар, ўйга кириб кечгача «гум бўлиб» ётар эди. Бугун хотини уни огоҳлантирди:

— Е чойхона—пойхонага чиқиб кетинг, ёки шу бугун ичманг. Ҳаммаси яхши кетаётган эди-ю, энди ош сузиб келинганда эшикдан ғандираклаб Қосим ака кириб келди.

— Ия, меҳмонлар кепти-ю!— деди илжайиб.— Хуш кепсизлар азиз меҳмонлар! Ия, манави хотиннинг тилла тиши ўзига мунча ярашган. Менга қара, хой, тишингни қаерда қўйдиргансан?

Совчи аёл нима қилишини билмай жавоб излар, аммо тополмас эди. У фақат бир нарсани ҳис қилиб турарди. Одам ҳеч қачон якка ўзи яшамайди. Одамнинг фазилати ҳам, камчилиги ҳам эл назарида туради. Шундай экан, эҳтимол, отаси туфайли қизи бахтидан айрилиб қолиши мумкин-ку!

Эҳтимол бу ҳар қадамда учрайдиган воқеа эмаслир. Лекин газетага ўзининг дил сўзларини юборяётган турли касб эгаларининг хатларини ўқиганда бир нарсани англайсиз. Бугунги ишчи ёки инженер, олим ёки мактаб ўқувчиси атрофда рўй бераётган воқеаларга бефарқ қарай олмайди. Ўзгаларнинг ташвишини ўз ташвиши, қувончини ўз қувончи деб билади. Мана, шундай хатлардан бири.

«Мен илмий текшириш институтида ишлайман. Турмуш ўртоғим ёшлигидаёқ ота-онасиз қолган, амакиси ва келинойисининг қўлида тарбияланган эканлар. Шунинг учун биз амакимни ота, келинойимни ойи деб атаймиз. Ҳозир фарзандлик бўлдик. Болаларимиз ҳам уларни ўз бобоси ҳамда бувисидек яхши кўришади. Турмушимиз жуда яхши кетаётган эди-ю, фақат бир нарса онламизнинг юзини ерга қаратди. Қайнатам, яъни амаким кексайганда қилиқ чиқариб ўз қўлларида ишлайдиган ёши бир ерга бориб қолган аёлга уйланиш ниятига тушиб қолдилар. Шу ёшга чиққанда, невара-чеварали бўлганда у кишининг бу қилмиши ҳаммамизнинг юзимизни ерга қаратяпти. Айниқса қайнанамга — ойимларга қаттиқ ачинаман. Наҳотки бировларнинг иноқ оиласини бузадиган аёллар бўлса? Ахир у худди ўзига ўхшаш бошқа бир аёлнинг турмушини заҳарлаяптику? Биз муаллифнинг илтимоси билан қайнатасининг ҳам, унинг атрофида гирдикапалак бўлиб қолган роса 57 яшар аёлнинг ҳам номини айтмадик. Лекин улар ўзларини таниб олишса, бу гаплардан тегишли хулоса чиқаришса, ёмон бўлмайди.

Яна бир мактубни ҳамшаҳримиз М. Мусаева йўллаган. Етти болани вояга етказган бу кекса аёлнинг мактубида кишини ларзага соладиган изтироб бор. «Болаларимнинг бири ишчи, бири студент, қисқаси ҳаммаси ўз йўлини топиб олишган. Кўпчилигининг ўз болалари ҳам бор. Мен уларнинг бахтиёр бўлишини, ўзидан тинчишини истайман. Лекин ёшим 65 га етганида 23 сўм нафақа билан мени бир чеккага чиқариб қўйган болаларимдан ранжийман. Улар мени бир ҳужрага тиқиб қўйганча ҳолимдан хабар олмай қўйдилар. Мен болаларимга ёмонликни раво кўрмайман. Фақат оналик ҳурматимни жойига қўйишса ёмон бўлмас эди, деб ўйлайман».

Чиндан ҳам турли касбнинг бошини тутган, ҳаётда ўз йўлини топиб олган йигит-қизлар қанча машақкат билан ўзларини вояга етказган кишини эътибордан четда қолдиришлари инсофдан эмас.

Газетага мактуб йўллаган С. Абдуллаев, Йўлдош ота Саримсоқов, В. Алиева, М. Юсупова, Қ. Зокиров, К. Шарипов, Х. Тошканбоев сингарилар ҳам ўз атрофларида рўй бераётган воқеалар ҳақида ҳаяжон билан ёзишади. Бири урушда етим қолган болаларни асраб олиб вояга етказган, ҳозир уларнинг роҳатини кўраётган кекса она ҳақида ҳикоя қилса, бири ўз фарзандлари тарбияланаётган боғчадаги ноқулай шароитлар ҳақида куйиниб ёзади. Яна бири Улуғ Ватан урушида қаҳрамонона жанг қилган, урушдан кейинги йилларда меҳнат жасорати рсатган отаси ҳақида фахрланиб ҳикоя қилса, бошқа бири беморларга жон фидо қилаётган меҳрибон шифокорларни эзозлаб хат йўллайди. Бу мактубларнинг ҳаммасида акс этиб турган бир хусусият бор. Муаллифлар атрофда рўй бераётган қувончлими, ташвишлими воқеаларга бефарқ қарамайдилар. Ҳаммаси учун ўзгаларни ҳам, биринчи навбатда ўзларини ҳам масъулдор деб биладилар. Шунинг ўзи ҳам ҳамшаҳарларимиз орасида ҳаётнинг фаол иштирокчилари кўплигидан дарак беради. Биз бундай кишилар билан фахрланишимиз керак.

У. ҲАМИДОВ.

Болаларнинг меҳнатсевар бўлиб ўсишларида боғчада ўтказиладиган қизиқарли машғулотлар муҳим омилдир. Бундай машғулотларни олиб борувчи тарбиячилар алоҳида малакага эга бўлишлари керак. Валентина Ивановна Василенкова шундай моҳир тарбиячилардан. У ўн саккиз йилдан бери шу шарафли касбда ишлаб келяпти. Ҳозир у Ленин районидаги 85-болалар боғчасининг 2-тайёрлов группасида тарбиячилик қилмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

● АЕЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ПАРДОЗ БУЮМЛАРИНИ ИШЛАТГАНДА...

Кўпчилик аёллар кўзларига косметикани кўп ишлатадилар, киприкларига тушь, қовоқларига маҳсус бўёқ суртадилар, қошларини бўяйдилар.

Кўпчилик аёлларда бу ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса пайдо қилмайди. Бироқ, айрим аёлларга бу бўёқлар ёмон таъсир қилади, кўздан ёш оқизади, баъзан эса кўзнинг шиллиқ пардаси — конъюнктива ўткир яллиғланади. Аллергик реакцияларга мойил ва аллергия касаллигидан азоб чекаётганларда шундай бўлади. Бундай пайтда аллергологлар врачдан маслаҳат олиб даволаниш керак.

Агар аёлда косметика препаратларига сезгирлик ортиқлиги аниқланса, уларни ишлатишдан воз кечиш зарур.

Кўзида бирор сурункали касаллик — блефарит, конъюнктивит бор аёллар косметикани қўлланишда айниқса эҳтиёт бўлишлари керак. Касаллик зўрайиб кетмаслиги учун киприк, қовоқни бўяш мумкинми-йўқми, бу ҳақда ҳам врачдан маслаҳат олиш лозим.

Агар кўзга тушь томса конъюнктива ўткир яллиғланиши мумкин. Бунда кўпчилик қолларда даволамаса ҳам кўз тузалади. Баъзан эса яллиғланиш процессини тўхтатиш ва йўқотиш учун врачга мурожаат қилишга тўғри келади. Пардоз буюмларини соғайгандан камида бир ой ўтгач ишлата бошлаш мумкин.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

● *Билиб қўйган яхши*

ТУРПНИНГ ХОСИЯТИ

Турп асосан хомлигича истеъмол этилади. У яхши сақланадиган бўлгани учун нуздан то ёзгача ишлатилади.

Турп салатлар учун жуда қўл келади. У сарёғ, сергўшт овқатларга, паловларга қўшиб истеъмол қилинади. Унинг таркибида бир ярим процент қанд, икки процентгача оқсил, ҳар хил тузлар ва бир ярим процент клетчатка бор. Пўстида ва серсув этида С витамини кўп, турпдаги ифор мойи унга ўзига хос ёқимли таъм бериб туради. Турпдаги ферментлар инсон организмида модда алмашинишинга ва оғир овқатларнинг яхши ва тез ҳазм бўлишига ёрдам қилади.

Энг яхши турп «Маргилон турпи» («Тунгоник турп») ҳисобланади. Бу нав турп кўпроқ Маргилон, Фарғона ва Андижонда экилади.

САЛАТЛАР

● Арчилган турпни сомон шаклида майда қилиб тўғрайсиз ва паррак-паррак қилиб тўғралган пиёз билан мижғиб аралаштирасиз, сўнгра қизил сабзини қиргичда қириб қўшиб, туз, қизил қалампир ва узум сиркаси солиб таъмини ростлайсиз. Ниложи бўлса кубик қилиб тўғралган бир оз ёввойи пиёз ҳам қўшиб юборинг. Салатни ликопларга солиб, бетини турп, пиёз ва сабзи парракчалари билан безатиб, дастурхонга тортасиз. Бу салат серёғ ва ҳамирли овқатлар билан истеъмол қилинади.

Салат тайёрлаш учун: бир дона каттароқ турп, бир-икки дона қизил сабзи, иккита пиёз, бир ош қошиғида узум сиркаси, 50 грамм ёввойи пиёз керак бўлади, қалампир ва тузни таъбга қараб соласиз.

● «Маргилон» турпини сомон шаклида тўғраб, қайноқ сув билан ювинг. Пиёзни ҳам шу усулда тайёрлаб бир-бирига қўшинг. Сайга пахта ёғини доғлаб совитилгач, сирка билан бирга қўшинг, туз, мурч ва чопилган укроп аралаштириб ликопларга тузанг.

● Серсув карсилама турпни арчиб, майда сомон шаклида тўғрайсиз, сирни ҳам шу тахлитда тўғраб, ҳар икки масаллиқни аралаштирасиз, унга бир оз туз сепасиз-да, ликопчаларга солиб дастурхонга тортасиз. Бу салатга 2 дона турп, икки юз грамм сир, таъбга кўра туз керак бўлади.

● «Марги л о н» турпини жуда майда сомон шаклида қирқасиз. Қуванинг «Қай» анорини сиқиб сувини чиқарасиз, тайёрланган турпга анор шарбатини сепасиз ва палов кабоб, қовурма кабби қучли таомлар билан қўшиб истеъмол қилиш учун дастурхонга тортасиз.

Масаллиқ: ярим килограмм турп, бир дона анор.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. ДАВРОНОВ: Анчадан буён қон топшириб келаман. Аввалларги қон топширганимдан кейин мени ўзим хоҳлаган пайтда икки кун ишдан озод қилишарди. Энди эса қон топширилган кунда ва эртасига дам оласан дейишяпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра донорлар ўз саломатликларини кўрикдан ўтказадиган ва қон топширган кунларда қайси сменада ишлашларидан қатъий назар ишдан озод қилинадилар. Уларга бу кунлар учун иш ҳақининг ўртача миқдорида маош тўланади. Ана шу дам олиш кунларини бошқа вақтга кўчириш ёки улардан отпускага қўшиб фойдаланиш таъқиқланади. Шунингдек, донорлар қон топширилган кунининг эртасига саломатлигини тиклаш маъносида яна бир кун ишдан озод қилинадилар. Донорлик қилаётган ишчи ёки хизматчи ўз хоҳишига кўра бу кундан меҳнат отпускасига қўшиб фойдаланиши ҳам мумкин.

∴ ∴ ∴

Ш. ИНОМОВА: Спортнинг қиличбозлик тури билан шуғулланишни орзу қиламан. Шаҳримизда шундай секция ёки тўгарак борми?

Жавоб: «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область Совети ҳузурида ёшлар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд. Бу ерда қиличбозлик секцияси ҳам ишлаб турибди. Секция машғулотларида врачлар рухсатномасига эга бўлган болалар ва қизлар қатнашишлари мумкин. Мактаб «Марказ —5» кварталида, «Қозоғистон» кинотеатрининг ёнида жойлашган.

∴ ∴ ∴

С. ХОТАМОВ, И. НИЗОМОВ: Бизга тергговчининг ваколати, унинг қандай ҳуқуқларга эга эканлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Дастлабки тергов олиб борилаётганда, прокурордан санкция олиш қонунда кўзда тутилган бошқа ҳамма ҳолларда тергговчининг йўналиши тўғрисида ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги ҳамма қарорларни тергговчи мустақил равишда қабул қилади ва у шу қарорларнинг қонуний тартибда, ўз вақтида ўтказилиши учун тўла жавобгардир.

Айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш, жиноятни квалификация қилиш ва айбнинг ҳажми тўғрисидаги айбланувчини судга бериш учун ишни судга юбориш тўғрисида ёки ишни тўхтатиш тўғрисида прокурорнинг кўрсатмаларига тергговчи рози бўлмаган тақдирда, тергговчи ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилиб ишни ундан юқори турган прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бу ҳолда прокурор ўзидан қуйи турган прокурорнинг кўрсатмасини ё бекор қилади ёхуд бу иш юзасидан тергов ўтказишни бошқа тергговчига топширади.

Тергговчи ўзи тергов ўтказаётган ишлар юзасидан қидириш ва тергов ўтказиш тўғрисида суриштирув органларига топшириқлар ва кўрсатмалар беришга ҳамда суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини ўтказишга кўмаклашишни талаб қилишга ҳақлидир. Тергговчининг бундай топшириқ ва кўрсатмалари суриштирув органлари учун мажбурийдир.

Тергговчининг тергов ўтказилаётган жиноят иши бўйича қонунга мувофиқ чиқарган қарорлари барча муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, манфаатдор шахслар ва гражданлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

● ФАН ОЛАМИДА

ПОЛИМЕР... ГЕПАРИННИНГ КУШАНДАСИ

Урта Осиё республикалари территориясида тарқалган болтирик ўти (анабазис афилла) —аниқроқ қилиб айтганимизда, ундан олинган лупинин алкалоиди ўзбекистонлик олимлар медицина аҳамиятига эга бўлган янги полмер моддани вужудга келтиришларига имкон берди. Тадқиқотлар бу полимер организмда гепарин кўпайиб кетиши натижасида қон кетишини бир неча дақиқада тўхтатишга қодир эканлигини кўрсатди. Гепарин—қоннинг ивиш жараёнида муҳим роль ўйнайдиган табиий моддадир.

Тошкент Давлат университетининг химиклари илк бор лупининни гепаринга карши ишлайдиган қила олдилар. Олимлар алкалоиднинг химик хоссасини тадқиқ этиб, унинг таркибида бўлган азот атомини мустаҳкам зарядли қилиш мумкинлигини аниқладилар. Ана шу хосса табиий бирикмани полимерлашга имкон беради ва бунинг натижасида дастлабки модда шифобахш хосса касб этади.

—Ҳозирги замон медицинасида гепаринга қарши ишлайдиган препаратлар ниҳоятда чекланган, дейди бу ишнинг раҳбари химия фанлари доктори профессор Уткир Мусаев.—Бутун дунёда шундай препаратдан бир нечтагина бўлиб, одатда улар ҳайвон қонидан олинади. Чет элда мана шу соҳада препаратлар ҳам бўлса-да, таркибида заҳарли модда кўпроқдир.

Усимлик алкалоиди негизида олинган полимернинг бир қанча муҳим фазилатлари бор. Жумладан, таркибида заҳарли модда жуда оз бўлиб, шифобахш хусусияти баланд. Бундай препаратнинг бирон салбий синтетик таъсири йўқ, уни олиш учун арзон ва кўп топиладиган хом ашё манба бўлиб хизмат қилади.

Университет химиклари Узбекистон ССР Фанлар академиясининг биоорганик химия институти ва Москвадаги 2-медицина институтининг олимлари билан ҳамкорликда шу препаратни ишлаб чиқдилар.

С. ЗЕФИРОВА,
УзТАГ мухбири.

• *Сайёрамиз қандай яратилган?*

АФСОНАВИЙ СУВЛАР БОРМИ?

Дунё халқларининг баъзи эртакларида тирилтиладиган ва ажал келтирадиган сувлар ҳақида айтилади. Бу гапда ҳам жон бор. Келинг, бу мўъжизакор сувни қидириб, она-табиатимизга мурожаат қиламиз.

Сайёрамида «тирик» ва «ўлик» сувни кўп миқдорда топса бўлади. Улар ҳақида совет олими В. М. Муханевнинг мулоҳазалари диққатга сазовордир. Фанда «тирик» сувни одатда протий, «ўлик» сувни эса, дейтерий деб юритишади. Ер шарида «тирик» сув энг кўп тарқалган жой бу — Антарктида ва баланд тоғлардаги қорлик ва музликлардир. Қор ва муз сувлари ўсимликларнинг ривожнга ва жониворларнинг яшашига ижобий таъсир кўрсатади. Қор сувларини кўпроқ истеъмол этувчи шимол халқларининг жанубдагиларидан кўп умр кўришида ҳам бу сувларнинг таъсири бор.

Биринчи бор сайёрамизда ҳаёт ўчоқлари Миср, Ҳиндистон, Хитой ва Инклар империясида пайдо бўлиб, бу ердаги халқлар асосан музликлардан келган қор сувларидан ичишган. Энг «кекса» дарахтлар Америкадаги Кордильера ва Анд тоғларининг шарқий ёнбағрида ўсиб, улар қор ва муз сувларидан баҳраманд бўлишади.

Хўш, «ўлик» сув қаерда кўпроқ учрайди? Кўпгина сув ҳавзалари, шу жумладан, океан ва денгизлардан асосан «тирик» сув бўланиб, унинг составида дейтерий кўпроқ қолади. Баланд тоғлардаги қор ва муз таркибида дейтерийни умуман йўқ десса бўлади. Ўсимликларда дейтерий тупроқ составидан кўра кўпроқ учрайди. В. М. Муханевнинг таъкидлашича, одам организмида тамирдан кўра, дейтерий кўпроқ. Сайёрамизда йиллар ўтган сари протий миқдори секин-аста камайиб, дейтерий ошиб кетаяпти. Бу ўзгаришлар жуда секин бўлиб, айтарли сезиларли эмас.

Қадим замонларда жуда баҳайбат дарахтлар ўсиши ва йирик ҳайвонларнинг мавжуд бўлганлиги аввалларги «тирик» сувнинг кўплигидан далолат беради.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

Тошкентдаги «Энергетика» маданият саройи қошидаги кутубхонанинг ўқув зали доим ишчи, хизматчи ва студент-ўқувчи ёшлар билан гавжум бўлади.

СУРАТДА: кутубхона ўқув залида.

М. Нуриддинов фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

МОСКВАГА ВЕЛОСИПЕДДА

Яқинда Бағдод кўчаларида пайдо бўлган бу велосипедчини кўрган киши беихтиёр ҳайратга тушади. Иссиқ ҳароратдан қуйган қўллари, қўёшдан қорайган юзи, эскирган йўл халтаси бу велосипедчининг узоқ йўл бўйлаб саёҳат қилаётганлигидан хабар беради. Ҳақиқатан ҳам дунё бўйлаб велосипедда саёҳатга чиққан ҳиндистонлик Жой Мондель Ирак шу вақтгача 53 мамлакатда бўлди. Ўз Батани Калькутта шаҳридан чиққандан бери минглаб километр йўлни босиб ўтди. Ёш саёҳатчи энди Шимолий Африка маршрути бўйлаб сафарга чиқади. Кейин у Европага боради, бу ердан Олимпиада ўйинлари очилиши кунларида Москвага етиб келади.

Жой Мондель ўз олдида қўйган олий мақсадга эришишга қатъий бел боғлаган.

130 ЁШИДА АЛИФБЕНИ ЎРГАНЯПТИ

Пальма дарахти остига ўтириб олиб қўлида алифбе тутган оқ соқолли бу қариянинг сурати бутун Ироқ газеталарини айланиб чиқди. Бунинг боиси 130 ёшли Д. Ҳамадини фотокорреспондент алифбе ўқиб турган вақтида учратиб қолганлигидадир.

Ҳозир Ироқда саводсизликни тугатиш кампанияси кенг қулоч ёйган. Минглаб кишилар саводсизликни тугатиш курслари ва тўгаракларига қатнашмоқдалар. Д. Ҳамади ҳам бу фойдали ишдан орқада қолишни истамаяпти. У ўз набиралари ёрдамида саводини чиқараяпти.

ДЎСТЛИК БЕЛГИСИ

Тошкентлаги тасвирий санъат музейида Н. К. Рерих ва С. Н. Рерихлар асарлари виставкаси очилди. Бу ерда ана шу ажойиб рассомларнинг қариб 300 та полотноси қўйилган. Улар асримиз санъати ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишган. Кўргазма Ҳиндистондан юборилган Сватослав Рерих расмлари тўпламининг бир қисмини ташкил этади.

Тошкентликлар ва Ўзбекистон пойтахти меҳмонлари Николай Рерихнинг Ҳимолай тоғларини тасвирловчи картиналарини кўриши мумкин. Бу картиналарни рассом йил-ўн икки ой, кечаю-кундуз тинмай чизган. Россия диёрида туғилган «гўзал Басилиса», Донишманд Ярослав образлари илиқ, юмшоқ ранглар билан чизилган. Кўргазмала рассомнинг ўғли чизган Николай Рерих портретлари ҳам ўз эмас.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Фарғонада область ёш рассомлари асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазма экспозициясида тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик, манзаралли-амалий санъат асарларидан 90 таси қўйилган.

Зямондош и м и з. унинг меҳнати — асосий мавзуларидан биридир. Кўпгина асарлар қадрдон ўлка гўзаллигига бағишланган.

• *Менинг милициям*

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ

Ярим кечада 2-Сельмаш кўчасидан қоп кўтарган бир кора шарпа кўринди-ю, кўздан йўқолди. Ўз участкасини кўздан кечириб юрган Одил Тагировга бу соя сирлидай туюлди. Секин унинг орқасидан юрди. Қора кўланка кўча бошида турган машинага қопни ташлаб, эйди жўнамоқчи бўлганида ҳушёр милиция ходими томонидан қўлга олинди. Бу З. исмли кимса бўлиб, ҳеч қаерда ишламасдан, ўғрилик билан кун кечирар экан. Оқибатда 2-дон маҳсулотлари комбинатидан омухта-ем ўғирлаб кетаётганида қўлга тушди...

Эртаси куни милиция кичик лейтенанти Одил Тагировга комбинатдан раҳматнома эълон қилишди. У бундай раҳматномаларни «Ташсельмаш» заводи, темир йўлчилар касалхонаси, 14-ҳунар-техника билим юрти, 1-ун заводи маъмуриятларидан ва самолётсозлар шаҳарчаси аҳолисидан тез-тез эшитиб туради.

Биз сизга ҳикоя қилаётган милиция ходими Ҳамза районидаги Сельмаш участкасида хизмат қилади. Унинг бу ерда меҳнат қилаётганига ҳам саккиз йилдан ошаяпти. У шу йиллар мобайнида ўз участкасида жамоат тартибини ўрнатиб, бу ердаги кишиларнинг олқишига сазовор бўлди.

— Одил Тагировнинг ишларидан хурсандмиз, — дейди технология билим юрти директори В. А. Фомичев. — У билим юртимизда тез-тез бўлиб, ҳуқуқ-тартиботни бузадиганлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради. Ишларимизни коммунистик руҳда тарбиялашда биз педагогларга яқиндан ёрдам бермоқда.

Совет милицияси учун ҳаётда адашганларни ҳаққоний ва тўғри йўлга бошлашдан ўзга шараф йўқ. Буни яхши англаган Одил Тагиров ўз ишида бурчига қатъий амал қилади. Участкасида истиқомат қиладиган ҳар бир кишининг қалбига йўл топа олади. У ҳозир олий милиция мактабининг 3-курсида таҳсил оляпти.

— Кишиларга ўз ишим орқали фойда келтираётган бўлсам касбимдан беҳад фахрланаман, — дейди камтарлик билан Одил Тагиров.

Б. ОМОНОВ,
С. ЖУРАЕВ.
студентлар.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

Ўзбекистон Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
2, 3 февраль соат 19.00 да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Қўсонлиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Муҳтабар ПЎЛДОШЕВА.

Солистлар: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Султонмурод САМАНДАРОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Роза КАРИМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ГУЛОМ ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

БИЛЕТЛАР КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛАДИ.

ТОВАРААР — ХАЛҚҚА!

«НЕЙВА—402»
РАДИОПРИЁМНИГИ

«НЕЙВА—402» — ҲАММАБОП РАДИОПРИЁМНИКДИР.

Бу радиоприёмникда узун ва ўрта тўлқинлар диапазонларида ишлайдиган жаҳондаги ҳамма радиостанцияларнинг эшиттиришларини тинглаш мумкин.

Радиоприёмник вазни — 370 грамм.

Баҳоси — 39 сўм 25 тийин.

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИ КОММЕРЦИЯ РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ТЕПЛОХОДДА САЁҲАТ ҚИЛИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАРНИ

Болтиқ денгизида (Польша Халқ Республикаси ва Германия Демократик Республикасида кириб ўтилади)

«КЛАВДИЯ» ЕЛАНСКАЯ ТЕПЛОХОДИДА

14—28 МАРТ КУНЛАРИ

САЁҲАТ ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Саёҳат 14 кун давом этади.
Путёвка баҳоси — 500—550 сўм атрофида.
Путёвка баҳосига теплоходда бориб-келиш ва яшаш, кунига уч маҳал овкатланиш, шаҳарлардаги экскурсия хизматлари ҳақи киради.
Путёвкаларни пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга сотиб олиш мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй. Телефон: 39-13-59.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/I да **Дон Карлос, 1/II да Бир антли балетлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/I да **Шошма, нуёш!**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/I да **Тошболта ошиқ, 1/II да Йиллар ўтиб.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/I да **Можаро.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа. «Ургатилган бўғма илон ва тимсоҳлар» аттракционининг гастролари.**

КИНО

31 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«НАЙРАМДАЛ — ДЎСТЛИК» — **Фестиваль.**

«СОҒЛОМ БЎЛИШ САНЪАТИ» — **Қозоғистон.**

«ВОЛГА БЎЙИ» — **Нукус.**

«ҚОР МУЪЖИЗАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Чайка** (18.30, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон: 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 78.47-25), **Нунус** (18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 46-70.69), **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат телефон: 35-24.92), **Дружба** (18, 20.30, жавоб берувчи автомат телефон: 66-15-75), **Восток** (18, 20, 21.30, телефон: 91-14-61), **Москва** (20.00, жавоб берувчи автомат телефон: 33-03-01).

«ПОЛКОВНИК ЗОРИННИНГ ТАХМИНЛАРИ» — **Искра** (20.00).

1 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«НАЙРАМДАЛ — ДЎСТЛИК» — **Фестиваль.**

«ВОЛГА БЎЙИ» — **Нукус.**

«ҚОР МУЪЖИЗАСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Чайка** (11, 30, 13.30, 16, 18.30, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон: 77-06-20), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 78-47-25), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 46-70.69), **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат телефон: 35-24-92), **Дружба** (11, 13, 14, 15, 17, 18, 20.30, жавоб берувчи автомат телефон: 66-15-75), **Восток** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон: 91-14-61).

«ГАМЛЕТ» — **Искра** (17.00, 20.00).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

31 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Перуга йўл». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Экран». 19.00 «Расмларда қўёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Ленин номи билан». 20.00 «Халқ оҳанглари». 20.15 «Қиргоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. премьераси, 3-серия 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Хилма-хил чеҳралар». СССР халқ артисти И. Ильинский иштирокида телевизион фильм. 1971 йил. 23.15 «Дунё воқеалари». 23.30 «Биз ошиқ бўлганда». Фильм-концерт.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қўғирчоқ». Мультфильм. 18.30 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қаламжолари бўйлаб». 18.50 «Узимизнинг ишчи депутат». Бекобод цемент заводининг экскаватор машинисти А. Ғойибназаров ҳақида телеочерк. 19.00 «Жанговар постда» (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 20.50 «Рақиқоса ҳиром этгайда...» Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Пўлдошева. Музиқали кўрсатув. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 Телевизион театр В. Ольшанский. «Хат». 23.20 Олий лига аёллар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати «Автомобилист» (Тошкент) — «Мединститут» (Одесса). «Меҳнат резерваллари» спорт комплекси залидан репортаж (эзиб олинган). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Эстетика асослари» «Санъат турлари. Рақс». 20.55 Реклама. 21.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

1 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.35 «Қиргоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.45 Балет артистларининг концерти. 12.25 Н. Г. Чернишевский. Хатлар. Хотиралар кўрсатув тугагач (13.05) — Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари программаси: «Львов лавҳаларя» (Киев). «Санъат нўчага чиқмоқда» (Ереван). «Воронеж» (Волгоград) 16.20 «Ўқитувчига — музика дарси». 17.20 «Телестадион».

17.50 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Чин сеҳрли». Бадиий фильм. М. Горький номли киностудия. 1975 йил. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Москва шаҳар, 7-педагогика билим юрти хотиқизлар хорининг концерти. 19.50 «Инсон ва қонун». 20.20 «Қиргоқлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Союзлар уйи Колонна залидан концерт. 23.35 «Дунё воқеалари». 23.50 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Давлат рус музейи, «XIX аср биринчи ярмидаги амалий санъат». Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Гаройиб дўст». Мультфильм. 11.45 «Гекльберри Финнинг саргузаштлари». Телеспектакль (рус). 12.55 «Колумб» шхунасининг юнгаси». Бадиий фильм. 14.10 «Касблар ҳақида ҳикоялар».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Хушчаҳчаҳ дўстлар». Мультфильм. 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Д. Орифжонова билан учрашув. 19.15. «Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усуллари». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Телефильм. 20.00 «Оламда нима гап?». Халқаро воқеалар шарҳи. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Н. Охунбобоев номли Андижон музиқали драма ва комедия театрининг солисти Н. Ҳамроқулов концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевидение экранида биринчи марта «Жиноят». 1-фильм. 23.20 Эрнст кураш бўйича халқаро учрашув. СССР — АҚШ. «Меҳнат резерваллари» спорт комплекси залидан репортаж (эзиб олинган). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан «Авлодлар биографияси» (рус.). 20.55 Абитуриентлар учун. Математика. 21.55 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Граждан ҳуқуқи» (рус.). 22.25 «Сокин тонг». Телевизион бадиий фильм.

ТАТИБ КЎРИНГ — МАЗАЛИ

Биз бўрсилдоқ нонни ейишни яхши кўрамиз-у, қолган бурда нонларни нима қилишни кўпинча унутиб қўямиз. Аслида бурда нонлардан кўп хил лаззатли таомлар тайёрлаш мумкин.

Қотган қора нон ёққа қовурилса яхши бўлади. Улар шўрва, карам шўрва, кўкатдан қилинган шўрваларга ярайди. Қотган нондан қуймоқда, суюқ ошда, хамирни оширишда фойдаланиш мумкин. Қотган қора нонинг талқонига ун қўшиб қатиқ аралаштириб қуймоқ пиширишмумкин. У худди бисквитга ўхшаб пиширилади, фақат ун ўрнига нон талқони ишлатилади.

Таркибига нон ёки булка қўшилган таомларнинг бир неча хилини тайёрлашни тавсия этамиз.

УЗМА ОШ

Сабзавотли. Булка ёки ширин нонни сутга қориб, ивитиб олинади. Кейин учта тухум аралаштириб, унга 3—4 ош қошиқ ун, 3 ош қошиқ ёғ ёки мой қўшилади. Туз — таъбга қараб. Туз қўшилган сувда қайнатилади. Улар сувда эркин сузиб юриши керак.

Узма ошни дастурхонга қуритилган сабзавот билан қўшиб тортилади.

Сузмали. 200 грамм талқон, 400 грамм сузма, 2—3 дона тухум, 100 грамм мойдан хамир қорилади. Ясси хамир узилиб, унга буланади ва туз солинган сувда 10—15 минут қайнатилади. Қиздирилган ёғ билан дастурхонга тортилади.

ҚУЙМОҚ УЧУН ҚОТГАН НОН

Бир бўлак нонни сариёғда қовуриб, бир дона тухум билан икки қошиқ сутни аралаштириб нонга қуйилади, буларнинг ҳаммаси бирга пиширилади. Кофе, сут ёки ширин чой билан дастурхонга тортилади.

ПУДИНГ

Қотган нонни сутда 40—50 минут ивитиб қўйилади, шундан кейин бўтқа ҳолда аралаштирилади, тухум чақиб қўшилади, шакар сепилади. Қоришмага консерваланган мевалар (данаксиз) қўшса ҳам бўлади. Йирик мевалар майдаланилади. Тайёр қоришмани тунука товага (қолипга, юза кастрюль ёки махсус идишга) солинади, бу идишлар олдиндан ёғланган ёки талқон сепилган бўлиши керак. Шундан сўнг пудинг пиширилади.

Пудингни дастурхонга тортишдан олдин устига мева шарбати қуйиш ёки майдаланган қанд сепиш мумкин.

МАСАЛЛИҚ: битта оқ батонга бир ярим стакан сут, 2 дона тухум, 100 грамм мева.

КЕКС

Устки томони кесилган қаттиқ оқ нонни талқон қилиб кастрюлга солинади ва устидан сут қуйиб 30—40 минут қўйиб қўйилади, кейин бир хил қоришма ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Тухумнинг сариғига шакар қўшилади, оқи аталанилади, буларнинг ҳаммаси қоришмага қўшилиб, унга бир ош қошиқ эритилган сариёғ ёки маргарин, ярим стакан майиз қўшилади. Кекс учун тайёрланган махсус қолипда пиширилади.

Битта оқ батонга: 0,5 литр сут, бир ош қошиқ ёғ ёки маргарин, 1/2 стакан майиз, 3—4 дона тухум.

ОЛМАЛИ «БАҚАЙ»

Қотган нонинг устки томони олиб ташланади ва 04—05 см. қалинликда тўғри тўртбурчак қилиб кесилади, нондан қолган бурдаларни кубик шаклида тўғраб қуритилади. Артилган олмаларни майдалаб қирилади. Қолип ёки кастрюлга мой суриладиёки талқон сепилади, кейин унга тўғри тўртбурчак қилиб кесилган нон бурдаларини идиш таги ва деворларига териб чиқилади, бу нон бўлаклари тухум, сут ва шакар қоришмасига олдиндан қориб олинган бўлиши керак, идишнинг бўш қолган ўрта қисми сухари билан олмага тўлдирилади, устидан эса қолган тухум қоришмаси қуйилади, усти бурда нон билан беркитилади, устидан тухум суртиб пиширилади. Тайёр бўлган «бақай»ни 10—15 минут қўйиб қўйилади, кейин лаган ёки тарелкага олиб, устидан ўрик мураббо қуйилади.

400 грамм оқ нонга: ярим килограмм олма, бир стакан сут, 3 дона тухум, 1/2 стакан шакар, 40—50 грамм ёғ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ

«ЛЕНИНГРАДЛИЛАР — МЕНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМ» КИНОФИЛЬМИНИ СУРАТГА ОЛИШ УЧУН

АҲОЛИДАН

40-йилларда расм бўлган болалар ва катталарнинг кийим-кечаклари ва пойафзаллари (пальтолар, пўстинлар, костюмлар, кўйлаклар, кофталар, ботинкалар, кўзойнаклар, бош кийимлари)**ни ва уй-рўзғор буюмлари** (керосин чироқлар, примуслар, қандиллар, радиорепродукторлар, тўқима саватлар ва бошқаларни

СОТИБ ОЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй, «Ленинградликлар — менинг фарзандларим» киногруппаси (13, 131, 103-автобуслар; 7, 12-троллейбусларнинг «Сут комбинати» бекати).

Тошкент асаларичилик совхози маҳаллий комитетининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар 1-клиник касалхона қошидаги аёллар консультациясининг справкалар ва касаллик варақаларига босиладиган йўқолган

УЧБУРЧАКЛИ ПЕЧАТИ ва ТЎРТ БУРЧАКЛИ ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика институти коллективи илмий ходим П. Арслановага онаси

Раҳима ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Политехника институти ҳамда саноат ва граждан қурилиши факультети коллективлари техника фанлари кандидати, катта ўқитувчи Т. Алимовга онаси

Раҳима ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва қарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

31 ЯНВАРЬ, 1980 й. Р—12853 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б — 2041.